

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

114 **Мажбурий тиббий кўриқдан ўтмаган ёхуд атрофдагиларга сил касаллигини юктириш хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг бажариши рухсат этилмайдиган ишлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 5 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2566

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 5-сон, 84-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 373-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Мажбурий тиббий кўриқдан ўтмаган ёхуд атрофдагиларга сил касаллигини юктириш хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг бажариши рухсат этилмайдиган ишлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. АЛИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 4 февраль,
38-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил
4 февралдаги 38-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Мажбурий тиббий кўриқдан ўтмаган ёхуд атрофдагиларга
сил касаллигини юқтириш хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг
бажариши рухсат этилмайдиган ишлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Мажбурий тиббий кўриқдан ўтмаган ёхуд атрофдагиларга сил касаллигини юқтириш хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг бажариши рухсат этилмайдиган ишлар	Рухсат этилмайдиган ишларни бажаришни назарда тутувчи касблар	Касбларнинг миллий стандарт классификаторида белгиланган касб коди
1.	Даволаш-профилактика муассасаларида (туғруқхоналар, туғруқ, чақалоқлар патологияси ва чала туғилган чақалоқлар бўлимларида) чақалоқлар билан бевосита мулоқотда бўлган ҳолда бажариладиган ишлар	акушерка	3232
		барча номдаги тиббиёт ҳамширалари	3231
		барча мутахассисликдаги врачлар	2220
		беморларга қаровчи кичик тиббиёт ҳамшираси	9131
		санитаркалар, санитарка-боқувчилар	9132
		болалар таоми ва парҳез таомлар бўйича ошпазлар	5122
		буфетчи	5123
2.	Болаларга хизмат кўрсатиши мумкин бўлган барча даволаш-профилактика муассасалари, шу жумладан болаларга мўлжалланган соғломлаштириш, жисмоний ривожлантириш, сиҳатгоҳ ва реабилитация масканларида, профилактикторияларда болалар билан бевосита мулоқотда бўлган ҳолда бажариладиган ишлар	тарбиячилар	3320
		барча номдаги тиббиёт ҳамширалари	3231
		барча мутахассисликдаги врачлар	2220
		беморларга қаровчи кичик тиббиёт ҳамшираси	9131
		санитаркалар, санитарка-боқувчилар	9132
		болалар таоми ва парҳез таомлар бўйича ошпазлар	5122
		буфетчи	5123
3.	Мактабгача таълим муассасаларида (боғча-ясли ва боғчалар, болалар уйлари) болалар билан бевосита мулоқотда бўлган ҳолда бажариладиган ишлар	тарбиячилар	3320
		барча номдаги тиббиёт ҳамширалари	3231
		барча мутахассисликдаги врачлар	2220
		беморларга қаровчи кичик тиббиёт ҳамшираси	9131
		санитаркалар, санитарка-боқувчилар	9132
		болалар таоми ва парҳез таомлар бўйича ошпазлар	5122
		буфетчи	5123
4.	Мактабгача ёшдаги болаларга хизмат кўрсатиши мумкин бўлган таълим ва спорт муассасаларида, шунингдек	тарбиячилар	3320
		барча номдаги тиббиёт ҳамширалари	3231

Т/р	Мажбурий тиббий кўриқдан ўтмаган ёхуд атрофдагиларга сил касаллигини юқтириш хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг бажариши рухсат этилмайдиган ишлар	Рухсат этилмайдиган ишларни бажаришни назарда тутувчи касблар	Касбларнинг миллий стандарт классификаторида белгиланган касб коди
	ушбу мақсадларда ташкил этилган тўғарақларда болалар билан бевосита мулоқотда бўлган ҳолда бажариладиган ишлар	барча мутахассисликдаги врачлар	2220
		беморларга қаровчи кичик тиббиёт ҳамшираси	9131
		санитаркалар, санитарка-боқувчилар	9132
		болалар таоми ва парҳез таомлар бўйича ошпазлар	5122
		буфетчи	5123
		тўғарақ раҳбарлари	2349
		ўқитувчилар	3310
		логопед	3330
		ўқитувчи-логопед	2330

Изоҳ: мазкур Рўйхатда назарда тутилган ишларда ишловчи шахслар, белгиланган муддатларда мажбурий тиббий кўриқдан ўтишлари шарт бўлиб, улар тиббий кўриқ натижаларига кўра сил касаллигига чалинмаган деб топилган тақдирдагина, бундай ишларга қўйилади. Атрофдагиларга сил касаллигини юқтириш хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг, кейинчалик тузалишидан қатъи назар, мазкур Рўйхатда назарда тутилган ишларни бажаришига рухсат этилмайди.

Мазкур Рўйхат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири

А. ХАЙТОВ

2014 йил 4 февраль

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси

Т. НАРБАЕВА

2014 йил 4 февраль